



Practice of victimological prevention in some foreign countries

Fakhritdin MUKHITDINOV¹

University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2022

Received in revised form

10 October 2022

Accepted 25 November 2022

Available online

25 December 2022

Keywords:

victimology,
victimization,
victim,
victim of a crime,
prevention,
measures of victimological
prevention,
typology of victims,
damage from a crime,
special and individual
measures of victimological
prevention.

ABSTRACT

This article analyzes important directions in the organization of victimological prevention based on a system of scientific and practical knowledge formed in the field of victimology in foreign countries. It also analyzes the methodological foundations of victimological knowledge in foreign studies and characterizes special measures aimed at increasing the potential for protecting victims of crime in preventive activities. It is on the basis of this positive experience that the article shows the need to develop programs aimed at victimological prevention of crimes in our country.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss6-pp96-101>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Айрим хориж мамлакатларида виқтимологик профилактика амалиёти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

виктимология,
виктимлик,
виктимлашув,
жабрланувчилар,
жиноят қурбонлари,
профилактика,
виктимологик
профилактика чоралари,
жабрланувчилар
типологияси,

Мазкур мақолада хориж мамлакатларида виқтимология фани соҳасида шаклланган илмий-амалий билимлар тизими асосида амалий виқтимологик профилактика фаолиятини ташкил қилишнинг муҳим йўналишлари таҳлил қилинади. Унда хориж тадқиқотларидаги виқтимологик билимнинг методологик асослари, профилактика фаолиятидаги жабрланувчиларнинг хулқ-атворларини жиноятдан ўзларини ҳимоя қила олиш салоҳиятини оширишга қаратилган амалий – махсус чораларнинг хусусиятлари

¹ Doctor of Law, Professor, University of Public Security of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan.

жиноятдан кўрилган
зарар,
махсус ва яққа
профилактик чоралар.

кўриб чиқилади. Айнан мана шу ижобий тажрибалар асосида мамлакатимизда жиноятларнинг виктимологик олдини олишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш зарурияти кўрсатиб берилади.

Практика виктимологической профилактики в некоторых зарубежных странах

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

виктимология,
виктимность,
виктимизация,
потерпевший,
жертва преступления,
профилактика,
меры виктимологической
профилактики,
типология потерпевших,
ущерб от преступления,
специальные и
индивидуальные меры
виктимологической
профилактики.

В настоящей статье анализируются важные направления организации виктимологической профилактики на основе системы научно-практических знаний, сформированных в области виктимологии в зарубежных странах. Также анализируется методологические основы виктимологических знаний в зарубежных исследованиях, дается характеристика специальным мероприятиям, направленных на повышение потенциала защиты потерпевших от преступлений в профилактической деятельности. Именно на основе этого положительного опыта, в статье показана необходимость разработки программ, направленных на виктимологическую профилактику преступлений в нашей стране.

Бугунги кунда хориж, асосан Ғарб мамлакатларида виктимология фани асосан уч йўналишда ривожланиб бормоқда.

Биринчиси, концептуал масалаларга қаратилган бўлиб, виктимологиянинг предмети, жиноят қурбонлари тушунчаси, виктимологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлик жиҳатлари, жабрланувчининг судлов юритувидаги роли, жабрланувчиларнинг типологияси.

Иккинчиси, жабрланувчиларга оид ҳуқ-атворни ўрганиш. Бунга – турли жиноятларда жабрланувчининг жиноятчи билан бўлган муносабати киради.

Учинчиси, жиноят қурбонининг виктимлигини пасайтириш, унга етказилган зарарни қоплаш муаммоларига йўналтирилган.

Таъкидлаш лозимки, жиноятчиликка виктимологик таъсир кўрсатиш анча истиқболли илмий-амалий йўналиш ҳисобланади. Зеро мазкур фаолият авваламбор инсонпарварликдан далолат бериб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаш соҳасига дахл қилмайди. Хориж мамлакатларида бундай илмий тафаккур ва унга асосланган амалиёт анча олдин шаклланиб улгурган.

Чунончи Ғарб мамлакатларида амалий виктимология қуйидаги йўналишларда ривожланиб келди:

– **шахсни (потенциал жабрланувчини) тайёрлаш** (махсус тренинг – жиноий вазиятларда жабрланувчининг ўзини тутиш борасида турли самарали вариантларни ишлаб чиқиш);

– **жабрланишга мойил бўлган ваколатли шахсларни жиноий тажовузлардан ҳимоялашнинг даражасини ошириш;**

– **виктимлик вазиятларини пасайтириш, уларнинг олдини олиш ва турли хавфли вазиятларни бартараф этиш, аҳолини шундай ҳолатлар ҳақида мунтазам огоҳлантириш;**

– жиноятчилар томонидан қўйиладиган турли “тузоқлар” ҳақида, буларни четлаб ўтиш мақсадида аҳолини огоҳлантириш;
– жабрланувчиларни жиноятлардан ҳимоя қилиш ва реабилитация қилиш.

Юқорида таъкидланганидек, Ғарб мамлакатлари виктимологиясида жиноятларнинг виктимологик олдини олиш фаолиятида фаол ва нофаол таъсир кўрсатиш (ҳимоялаш) шакллари кузатиш мумкин. Хусусан, жиноятчиликка фаол виктимологик таъсир кўрсатиш тушунчасига ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқа (юридик ва жисмоний) шахслар ёрдамида ҳимояланиш воситалари киритилади.

Жиноятчиликка нофаол виктимологик таъсир кўрсатиш тушунчасига бевосита қўриқлаш чораларини киритиш мумкин (масалан, жабрланиш мойиллигига эга шахсни тансоқчи билан таъминлаш, транспорт воситасини зирҳли мосламалар билан мустаҳкамлаш, зирҳли нимчаларни кийиб юриш ва бошқалар).

Жумладан, АҚШда жиноятдан жабрланиш мойиллигига эга ҳамда жиноят оқибатида жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатадиган кўплаб ташкилотлар фаолият юритадилар. Улар жиноят қурбонларига ҳуқуқий маслаҳатлар берадилар, шунингдек, уларга молиявий ёрдам кўрсатадилар ҳамда вақтинча яшаб туришлари учун жабрланувчиларга алоҳида хоналар тақдим этадилар. Ушбу мамлакатда жиноят қурбонларига ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи икки мингдан ортиқ дастурлар амалга ошириб келинади. Мазкур дастурларни молиялаштириш ҳам турли даражада амалга оширилади. Бу соҳани молиялаштиришда нодавлат ташкилотлари устувор ўринни эгаллайди. Масалан, 2015 йилда жиноят қурбонларига ёрдам кўрсатишга оид дастурларни молиялаштириш – федерал ҳукумат томонидан 35 млн. долларни, нодавлат ташкилотлари томонидан эса 200 млн. долларни ташкил қилган.

Жиноят қурбонларига ёрдам берувчи нодавлат ташкилотлари АҚШдан ташқари, Нидерландия, Норвегия, Канада, Франция ва бошқа мамлакатларда ҳам фаол иш олиб борадилар.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва виктимологик профилактика фаолиятини ахборот ва методик таъминлашнинг муҳим асосини аҳолига мунтазам статистик ва методик қўлланмаларни ҳамда унда мавжуд бўлган маълумотларни етказиш фаолияти ташкил қилади. Чунончи АҚШнинг Адлия вазирлиги томонидан ҳар йили “Жиноят судловининг статистик тўпламлари” чоп этилади. Ушбу тўпламда: жиноятларнинг хусусиятлари ҳамда жиноятчиларнинг шахсга оид криминалогик “портретлари” акс этади. Шунингдек, ушбу тўпламдан – аҳолининг виктимлашув даражаси ва унинг оқибатларига оид маълумотлар ҳам ўрин олган.

Шунингдек тўпламда суд статистикаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишлаётган ходимлар сони ва улар амалга оширадиган фаолият хусусиятлари, айрим турдаги жиноятлар ҳамда ҳудудлар кесимидаги жиноятчиликнинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин.

Бундан ташқари, АҚШда йигирма беш йилдан ортиқ вақт мобайнида аҳолининг виктимлашуви даражаси тадқиқ этиб борилади. Жумладан, Федерал Қидирув Бюросининг жиноятчиликнинг умумий “индекси”га бағишланган йиллик маълумотларидан ташқари, ҳар йили эълон қилинадиган “Жиноятчиликнинг Миллий ахбороти” (русча: “Национальные обзоры преступности”) махсус

дастурида аҳолининг муайян қатламлари ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида олиб борилган сўровномалар натижаларининг тизимлашган хулосалари ҳам эълон қилиб борилади. Мазкур сўровларнинг асосий мақсади – сўровга жалб қилинган аҳолининг жиноятнинг қурбони бўлганликлари ёки бўлмаганликлари, латент қурбонлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш, жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар, жиноят вазиятидаги жабрланувчининг ўрни ва роли ҳамда етказилган жисмоний ва моддий зарарнинг хусусиятларини аниқлаш масалаларида маълумотлар тўплашни назарда тутати.

Шу билан бирга Ғарб мамлакатларида аҳолининг махсус криминалогик ва виктимологик билимларини оширишга йўналтирилган ижтимоий институциявий чоралар ҳам амалга ошириб келинади. Жумладан, Германиянинг олий ўқув юртларида виктимология асосларига оид махсус курслар ўқитилади. Унда полиция маҳкамаси амалиётидаги виктимологик вазиятларни ҳал қилиш асосларига бағишланган маърузалар, семинар-тренинг машғулоти олиб борилади.

Японияда ҳам виктимология фани муайян даражада ўз ривожини топган. Жиноятчиликнинг виктимологик олдини олиш муаммолари билан юридик илмий тадқиқот институтлари ва полициянинг тадқиқот Марказлари фаол равишда шуғулланиб келадилар. Уларда тадқиқотлар олиб бориш учун махсус руҳий-психологик ва тарбиявий ишлар “лабораториялари” ташкил этилган бўлиб, уларда асосан жабрланувчиларнинг шахси ва хулқ-атвор типлари, жабрланувчиларга етказилган зарарнинг ҳамда жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади.

Жиноят ҳуқуқида жиноий хатти-ҳаракатнинг (ҳаракатсизликнинг) оқибатида етказиладиган зарар ўзининг хусусиятига кўра: жисмоний, маънавий, моддий, ташкилий, ҳуқуқий зарарларга бўлинади. Умумий тарзда эса етказилган зарарни асосан икки – моддий ёки номоддий турларга ажратиш мумкин. Шунингдек, криминология соҳасида етказилган зарарнинг бошқа таснифий белгилари ҳам эътироф этилади. Жумладан, зарарни дастлабки ва иккиламчи (такрорий), бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита (русчада: косвенный), шу топда етказилган ёки қилмишнинг оқибати кейинчалик намоён бўлувчи зарарлар каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, дастлабки зарар жиноят натижасида бевосита вужудга келиши мумкин бўлса, иккиламчи зарар қайта виктимлашув билан боғлиқ бўлиши мумкин, яъни бу ҳолат бирламчи зарарга нисбатан тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳамда фуқароларнинг расмий ёки норасмий муносабатни етарли даражада билдирилмаслиги туфайли юз бериши мумкин.

Германиялик олим Г.Й. Шнайдернинг фикрича, иккиламчи зарар бирламчисидан кўра анча жиддий бўлиши мумкин*. Айниқса, шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, содир этиладиган жиноятларда бундай ҳолатларни тез-тез учратиш мумкин.

Хориж мамлакатларида жиноят оқибатида етказиладиган зарарни ундириш масаласи бўйича муайян илмий-амалий ёндашувлар шаклланганлигини таъкидлаш лозим. Улар анъанавий ва ноанъанавий, ҳуқуқий ва ноҳуқуқий ёндашувлардан ташкил топган.

* Яъни ғарб мамлакатлари виктимологиясида “виктимблейминг” тушунчаси мавжуд. Унга кўра жинсий зўравонликка дучор бўлган жабрланувчилар муайян жамоат (танишлар, қариндошлар, ҳамкасблар ва б.) томонидан қораланиши оқибатида такроран маънавий-руҳий азобларга дуч келадилар. Жабрланувчининг мана шундай руҳий азобланишни бошидан кечириши, экспертларнинг фикрича иккиламчи зарар сифатида баҳоланади.

Айрим мамлакатларда анъанавий ҳуқуқий ёндашув йўналиши жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида кенг равишда кўриб чиқилган. Масалан, Россияда асосан анъанавий тарзда зарарни ундиришнинг икки воситасидан фойдаланиб келинади. Булар:

а) зарар етказувчи шахснинг ўзидан зарарни ундириш, шунингдек, зарар етказувчининг ўз хоҳишига биноан зарарни бартараф этиши;

б) агар жиноят объект мажбурий ёки эркин равишда суғурталанган бўлса, унда зарар суғурта тўловлари асосида ёпилади.

Бу ёндашувга мувофиқ, давлат ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. Зиёни бартараф этишга, қоплашга худди шундай анъанавий ҳуқуқий ёндашув амалиётини Ўзбекистонда ҳам кўриш мумкин.

Давлат томонидан жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш тажрибаси эса асосан Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландия мамлакатларида мавжудлигини эътироф этишимиз мумкин. Масалан, АҚШнинг Миннесото штатидаги “Реституция маркази” фаолият юритади. Ушбу марказнинг асосий вазифаси жиноят қурбонларига етказилган зарарни қоплаб бериш чораларини кўришдан иборат.

Жиноятларнинг виктимологик олдини олиш фаолиятида етказилган зарарни уни етказган шахснинг ўзидан жабрланувчига ундириб бериш ҳам жиноятларнинг олдини олишда аҳамиятли амалиёт ҳисобланади. Масалан, Буюк Британияда суднинг жабрланувчига етказилган зарарни ундириш ҳақида қабул қилинган суд буйруғи асосида зарарни ундириш бевосита зарар етказган шахс зиммасига юклатилади. 1995 йилда қабул қилинган “Жиноятлар туфайли етказилган зарарни қоплаб бериш тўғрисида”ги Қонун нормаларига мувофиқ, жабрланувчи ўзига жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаб бериш илтимоси билан махсус фондларга мурожаат этиш ҳуқуқига ҳам эга. Бунда махсус фондлар томонидан етказилган зарарни қоплаш миқдори 1 фунтдан 500 минг фунтга қадар бўлиши мумкин. Аммо махсус фондлар томонидан зарарни қоплаб бериш тизими фақат айбдорнинг ўзи етказган зарарни қоплаб бериш имкони мавжуд бўлгандагина ишга тушади. Шу боис, бизнинг мамлакатимизда ҳам мазкур амалиётни ривожлантириш, бу борада қонунчилик нормаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари хориж мамлакатларида инсонларни жиноий муҳитдан ҳимоя қилиш, аҳолининг виктимлашувини олдини олиш, хаттоки уй-жой қурилишини режлаштиришда ҳам эътиборга олинади. Ушбу йўналиш биз учун мутлақо янги тушунча бўлса-да, лекин хориж мамлакатларида бундай амалиёт анча ривож топиб бормоқда. Лондоннинг Стоунбридж ҳудудида уй-жойларнинг жойлашиши полиция ходимларига жиноятчиларни ушлаш учун анча қийинчилик туғдирар эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг илтимосига биноан шаҳар муниципалитети баъзи уйларни бузиш ва ушбу ҳудудни қайтадан режлаштириш буйруғини чиқарган. Бунинг натижасида жиноятчиликка шарт-шароит яратаётган архитектура ландшафти бартараф этилиб, муниципалитет ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг уйларига ҳимоя воситаларини ўрнатиш учун 1000 фунт стерлингдан пул маблағи ажратиб берган. Натижада ушбу ҳудуддаги жиноятчилик, шунингдек, виктимликка мойиллик даражаси бир ярим баробарга пасайган.

Шундай қилиб, хориж мамлакатларида шаклланган виктимологик профилактика фаолияти жамиятда жиноятларнинг олдини олишда муайян имкониятларга эга ҳолда, бевосита потенциал қурбонларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларнинг виктимлигини пасайтириш борасида ишлаб чиқилган илмий-назарий тавсияларни назарда тутди.

Виктимологик профилактиканинг имкониятлари потенциал жиноят қурбонларини аниқлаш ва улардаги жиноятни содир этилишига туртки берувчи ҳулқ-атвори бартараф этишга йўналтирилган чоралар тизими ташкил қилади. Ушбу фаолиятда қурбон бўлиш мойиллиги юқори бўлган шахсларни жиноий тажовузлардан самарали ҳимоя қилиш ҳамда жабрланувчиларни девиктимлаш ва ревиктимлаштириш вазифалари мазкур тизимнинг асосий ва муҳим йўналиши бўлиб ҳизмат қилади. Шу боис, хориж мамлакатларидаги ижобий тажриба асосида мамлакатимиз виктимологик профилактика фаолиятини жамиятда мавжуд виктимлик ва виктимлашув ҳолатларига мос равишда ўзгартириб бориш, такомиллаштириб бориш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Андронникова О.О. Теоретический анализ основных современных теорий виктимизации, разработанных в рамках зарубежной науки. Вестник Кемеровского государственного университета. 2015. – №4. – Т.1.
2. Будякова Т.П. Индивидуальность потерпевшего и моральный вред [Электронный ресурс] <http://www.knigafund.ru/books/171747> Юридический центр Пресс, 2005.
3. Гаджиева А.А. Учебное пособие (курс лекций) по дисциплине «Виктимология» для направления подготовки «Юриспруденция», «Уголовное право». Махачкала: ДГУНХ, 2016.
4. Кобец П.Н. Правовое регулирование возмещения преступного вреда в государствах англосаксонской правовой системе // Виктимология. Т.8. – № 1. – 2021.
5. Слипченко Е.И. Сравнительно-правовые аспекты возмещения вреда причиненного жизни и здоровью человека и гражданина по законодательству зарубежных государств. // Алея наука. 2019. – Т.2 – №2 (29).
6. Сушина Т.Е. Особенности развития и современное состояние германской модели возмещение вреда, причиненного преступлением: Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведение. №1. – 2019.
7. Шнайдер Г.Й. Криминология. – М.: 1994.
8. Karmen A. Crim Viktim. An introbuction to Victimology. Seventh edition. Belmont, 2010.
9. Turvey E. Victimology: A Brief History with an Introduction to Forensic Victimology Claire Ferguson and Brent. 2007.